ДИНИЙ МАНБАЛАР МАҚОЛ ВА АФОРИЗМЛАРНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

РЕЛИГИОЗНЫЕ ТЕКСТЫ КАК ИСТОЧНИК ПОСЛОВИЦ И ПОГОВОРОК

RELIGIOUS WRITINGS ARE SOURCE OF PROVERBS AND APHORISMS

MAXSUDOVA NILUFAR
UZBEK STATE WORLD LANGUAGES UNIVERSITY
researcher
makhsudova-nilufar@mail.ru
Reshetov St, 100173, Tashkent, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2024/2/3

Аннотация: *Тилнинг кўркини, нутқда маънолар ранг баранглигини, ақл-фаросат ва тафаккурнинг мантиғини номойиш этувчи мақол ва маталлар дунёдаги жамики халқ ва элатларда мавжуд бўлиб, унинг ортида ҳар бир халқнинг дунёқараши, орзу-умидлари, урф-одатлари туради. Шунинг учун ҳам, уни халқнинг турмуш қонун-қоидаларини ўзида жо қилган қисқа ритмик бирлик дейиш мумкин.*

Бу халқ оғзаки ижод мактаби дастлаб халқнинг оғзаки ижодида яшаган, ёзув пайдо бўлиши билан мақоллар маданий ёдгорликларда, сўнгра бадиий адабиёт таркибида акс эта бошлаган. Ушбу асарлардаги халқнинг ўй-фикрини ифода этувчи қисқа ва ихчам иборалар кенг омма тарафидан қўлланила бошлагач, улар расман мақол мақомини олиб луғатлардан ўрин олган. Мақолларнинг шаклланишида турли хил омиллар муҳим аҳамият касб этади. Одатда мақоллар қадимги ва муттоз адабиёт намуналари, диний манбалар орқали бизгача етиб келган.

Маълумки, дин жамият, гуруҳ ёки алоҳида шахснинг маънавий ҳаётини ажралмас қисмидир. У умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб, уларни жонлантиради ва ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантиради. Шунингдек, у халқлар маданиятига ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, муқаддас китобларни христиан ва мусулмонларнинг маданиятига салмоқли таъсирини кузатиш мумкин. Бундай китоблар инсонларнинг тафаккури ва онгига таъсир этган экан, албатта у тилда ҳам акс этади.

Ўзбек ва инглиз мақоллари фондининг шаклланишида мукаддас китоблар саналган Қурьон, Библия, Авесто ва ҳадисларнинг аҳамияти катта. Ушбу манбалардаги илгари сурилган ғоялар, фикрлар ва қуйма иборалар бу икки халқнинг мақоллари ва афоризмларининг яратилишида асос вазифасини ўтаган ва улар ҳали ҳамон ҳар икки тилда ўз долзарб аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур мақолада бундай мақол, матал ва афоризмлар таҳлили амалга оширилган, шунингдек, бир-биридан узоқ масофада жойлашган икки ҳудуд вакилларининг мақол ва афоризмлари ушбу халқлар истеъмолига қандай кириб борганлиги тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *Мақол, матал, афоризм, Қурьон, Библия, Авесто, ҳадис, дин, ислом, зардўштийлик.*

Аннотация: *У всех народов мира существуют пословицы и поговорки, которые показывает красоту языка, окраску смыслов в речи, логику ума и мышления, и за ними стоят мировоззрение, мечты, традиции каждого народа. Именно поэтому паремию можно назвать короткой ритмической единицей, содержащей правила жизни народа.*

Эта школа народного творчества сначала жила в устном творчестве народа, с появлением письменности пословицы стали отражаться в памятниках культуры, а затем и в художественной литературе. Когда короткие и лаконичные фразы, выражающие мысли народа в этих произведениях, стали использоваться широкой публикой, они официально приняли статус пословиц и нашли своё отражение в словарях. На формирование пословиц влияют различные факторы. Обычно пословицы дошли до нас через древние и классические литературные произведения и религиозные источники.

Известно, что религия является неотъемлемой частью духовной жизни общества, группы, личности. Она впитывает общечеловеческие моральные нормы, оживляет их и превращает в обязательные правила поведения для народа. Она также оказывает большое влияние на культуру народов. Например, можно наблюдать значительное влияние священных книг на культуру христиан и мусульман. Поскольку подобные книги оказали влияние на мышление и сознание людей, это, безусловно, отражается в языке.

Такие Священные книги, как Коран, Библия, Авеста, а также хадисы, имеют большое значение в формировании фонда узбекских и английских пословиц. Идеи, мысли и крылатые фразы, представленные в этих источниках, послужили основой для создания пословиц и афоризмов этих двух народов, и они до сих пор не потеряли своей актуальности в обоих языках. В данной статье анализируются подобные пословицы, поговорки и афоризмы, а также рассматривается вопрос о том, как пословицы и афоризмы представителей двух отдаленных регионов вошли в употребление этих народов.

Ключевые слова: *Пословица, пословица, афоризм, Коран, Библия, Авеста, хадисы, религия, ислам, зороастризм.*

Annotation: *every nation in the world has its proverbs and sayings that show the richness, beauty, and sharpness of the language, the logic of the mind. Behind every proverb, there are the worldview, dreams, and traditions of each nation. That is why it can be called witty, pithy, and epigrammatic expressions containing the rules of life of the people.*

This school of oral folk art first lived in the oral works of the people; with the advent of writing, proverbs began to be reflected in cultural monuments, and then in fiction. When

the short phrases expressing the thoughts of the people began to be used in wide circulation around folks, they officially acquired the status of proverbs and started to be reflected in dictionaries. Various factors are important in the formation of proverbs. Typically, proverbs have been originated from ancient and classical literature and religious sources.

It is known that religion is an integral part of the spiritual life of a society, group or individual. It absorbs universal human moral norms, revives them and turns them into mandatory rules of behavior for the people. It also has a great influence on the culture of people. For example, one can observe the significant influence of holy books on the culture of Christians and Muslims. Since such books have influenced the mind and consciousness of people, and this is certainly reflected in the language.

Such Holy books as the Koran, Bible, Avesta, and Hadith are of great importance in the formation of the paremiological fund of Uzbek and English proverbs. The ideas, thoughts, and catchphrases presented in these sources served as the basis for the creation of proverbs and aphorisms of these two peoples, and they have not lost their relevance in both languages.

This article analyzes such proverbs, sayings, and aphorisms, and also elucidates the question of how proverbs and aphorisms of representatives of two remote regions came into use by these peoples.

***Key words**: Proverb, sayings, aphorism, Koran, Bible, Avesta, hadith, religion, Islam, Zoroastrianism.*

КИРИШ

Мақол ишлатмаган биронта халқ, мақол ижод қилмаган биронта тил йўқ. Дунёда тилсиз халқ бўлмагани каби, мақолсиз тил ҳам йўқ (Yo‘ldoshev B., 2007:31). Тилнинг кўрки, халқнинг дунёқараши, орзу-умидлари, урф одати-ю расм-русмларини ҳудди кўзгудагидек акс этиб турувчи мақол ва ҳикматли сўзлар жамики халқ ва элатларда мавжуддир.

Бу қўҳна халқ ижоди узоқ ўтмишда вужудга келган ва ҳатто баъзи бирлари ҳали ёзув пайдо бўлмасдан олдин, инсоннинг нутқи шаклланиши билан юзага кела бошлаган.

Маълумки, ёзувнинг пайдо бўлиши инсоният тараққиётида улкан аҳамиятга эга. Ёзув яратилиши ҳамоноқ, оғиздан оғизга ўтиб келаётган ахборотлар тўплами маданий ёдгорликларда акс эта бошлайди. Ёзувнинг такомиллашуви эса, турли халқларда бадиий адабиётнинг вужудга келишига асос бўлди. Натижада дунёга машхур асарлар яратилди. Ушбу асарлардаги халқнинг ўй фикрини акс эттирувчи қисқа ва ихчам ибоалар кенг омма тарафидан кенг қўлланила бошлади. Сўнгра эса, бундай ибораларни маълум бир жойга тўплаш эҳтиёжи пайдо бўлади.

УСЛУБЛАР

Мақолларнинг келиб чиқиши борасида паремиолог олимларнинг фикрлари турличадир. Масалан, В.А. Жуков мақол ва маталларнинг келиб чиқиши борасида шундай дейди: “Суҳбат чоғида бирон бир нарсани ҳеч қандай қийинчиликсиз, лўнда, содда ва равон тарзда изоҳлаб бериши мумкин бўлган чуқур маъноли ибора - мақол ва маталларни халқ орасида қачондан бошлаб оммалашгани хусусида бирон нарса дейиш мушкул, аммо шуни аниқ айтиш мумкинки, уларнинг келиб чиқиши узоқ ўтмишга бориб тақалади” (Жуков А.,1978:160). Хюм ва Тренчлар эса, уларнинг яралиши номаълум ва ҳамон сирлигича қолмоқда дейдилар (Hulme F.,1969:42; Trench R., 2003:3, 180). Л.Н. Оркинанинг қайд этишича, ҳар бир мақол ортида унинг яратган халқнинг нуфузи, обрў эътибори туради, шунинг учун ҳам мақоллар баҳслашмайди, исботламайди фақатгина, таъкидлайдилар ёки инкор қиладилар ва улар тарафидан баён қилинган ҳар бир нарса ҳақиқатдир (Оркина Л., 2000:120-121).

Бизнингча, кимдир қачонлардир, ўзининг ҳаётий тажрибаси ёки умумий кузатувлар натижасини қисқа ва лўнда тугалланган гап орқали ифода этган. Сўнгра, у маълум бир доира вакиллари орасида қўлланилган. Чуқур мазмунга эга ихчам, лўнда гап воситаси инсонларнинг қарашлари, ўй фикрлари мос келгандан сўнгина, у инсонлар тарафидан эътироф этилиб, худуд, шахар миқёсида қўлланила бошлайди. Оғиздан оғизга ўтган сари мақол сайқалланиб, маълум қолип шаклига келади. Ва ниҳоят у бутун халқ, миллат ва элат тарафидан эътироф этилгандан сўнгина, у мақол мақомини олади. Юқоридаги фикрни машхур паремиолог В. Мидер қуйидагича талқин қилади: “Мақоллар топишмоқ, латифа, эртак каби осмондан тушган ҳам эмас, халқнинг афсонавий махсулоти ҳам эмас. Балким у маълум бир инсоннинг оқиллиги ва кўп инсонларнинг донолиги натижасидир” (Mieder W., 2004:9).

НАТИЖА

Мақолларнинг шаклланишида турли хил омиллар муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра мақолларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Маълум манбалар асосида юзага келган мақоллар.

2. Муалифлари номаълум мақоллар. Улар халқ оғзаки ижодининг намунаси ҳисобланади. Одатда мақоллар қадимги ва мумтоз адабиёт намуналари, Библия орқали шу кунгача етиб келган,

аммо оғиздан оғизга ўтиб келган мақоллар бундай асарларга мухрланиш бахтига муяссар бўлмаган ёки келтирилган бўлсада, у асарлар бизгача етиб келмаган (Taylor A., 1985:4-5).

3. Универсал мақоллар.

Ўзбек ва инглиз мақолларининг келиб чиқиш манбалари, шаклланиши бу икки халқнинг, маданияти, дини, тарихи, адабиёти, турмуш тарзи ва бошқа мамлакатлар маданиятлари билан ўзаро муносабатида белгиланади.

“Краткая литературная энциклопедия”да ёзилишича, шарқий эпосларда мақол ва маталлар Қуръон, Панчатантра ва Библияда кенг қўлланилган [Краткая литературная энциклопедия, 1968:907]. Лекин бизнингча, дастлаб мақол ва маталлар мазкур диний манбаларда қўлланилмаган, балки ундаги жумла, мақолсимон ибора, ҳикматли сўзлар йиллар ўтиб мақол ва маталларга айланиб кетган.

Европада дастлаб мақол ва афоризмлардан фойдаланган шахслар айнан черков ходимлари бўлган. Улар “Файласуфларнинг мақоллар тўплами”дан олинган мақоллар ва Библиядаги иқтибосларни ибодат пайтида мунтазам равишда истифода этганлар. Ушбу даврда “Библия” ва “Файласуфларнинг мақоллар тўплами” нотиқ ва дин арбоблари учун қўлланма ҳисобланар эди (Fox. A., 2002:113).

Лингвист олимлардан Л.П. Смиз, А.В. Кунин, А.Савицкая, С.А. Макарёв, Ж. Фрэзер, М.И. Шахнович, Е.М. Ярославскийлар ва тарих, этнография соҳасидаги мутахассислар этнографик ва фольклор материалларга асосланган ҳолда, Библияни дунё тарихидаги асосий маданий ёдгорликлардан бири сифатида тан оладилар. Ушбу китобни турли хил тилларга кенг кўламда таржима қилиниши барча учун универсал бўлган мақолларни шаклланишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда Библия асосида юзага келган юзлаб мақоллар турли хил тилларда ҳамон яшаб келмоқда. Масалан қуйидаги мақоллар Библиядан бошқа тилларга ҳеч қандай ўзгаришсиз ўзлашган: *“As you sow, so will you reap”* (“Нима эксанг, шуни ўрасан”) (Galatians 6:7-8), *“He who digs a pit for another, will fall into it himself” (“*Ким бировга чох қазиса, унга ўзи тушади”) *(Proverbs 26:27), “You see the mote in another’s eye but fail to see the beam in your own” (“*Сизларнинг баъзи бирларингиз биродарингизнинг кўзига тушган бир чўпни кўрадию, ўзининг кўзидаги ходани кўрмайди”*) (Matthew 7:3), “He that will not work, shall not eat”* (“Ишламаган тишламайди”) *(2 Thessalonians 3:10), “Do unto others as you would have them do unto you” (“Ўзингга раво кўрмаганни, Ўзгага ҳам раво кўрма”) (Matthew 7:12), “A prophet is not without honor save in his own country” (“Олдингдан оққан сувни қадри йўқ”) (Matthew 13:57), “An eye for an eye and a tooth for a tooth” (“Қонга қон, жонга жон”) (Moses 21:24), “He who sows the wind shall reap the whirlwind” (Hosea 8:7), “Man does not live by bread alone”* (Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак) *(Deuteronomy 8:3, Matthew 4:4)* (Paczolay. G., 1997: 38, 77, 256, 295, 327).

Исломгача бўлган даврда Марказий Осиё ҳудудида яшовчи ахоли зардўштийлик таълимотига эътиқод қилган. Унинг муқаддас китоби Авесто Марказий Осиё халқларининг маънавий дунёқараши, турмуши ва урф- одатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этган. Эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал тамойили марказий ўринда турувчи ва инсонларни одобли бўлишга, илм, хунар эгаллашга, меҳнат қилишга, ёвузликка қарши, инсонни бахти саодати учун курашишга, атроф муҳитни мухофаза этишга чорловчи “Авесто” таълимоти асосида Шарқда кўплаб мақол ва ҳикматли сўзлар яратилган.

“Авестода” ер инсонни катта бойлиги шунинг учун уни эъзозлаш, ишлов бериш ва суғориш, дарахт экиб боғ яратиш лозимлиги, табиатни эъзозлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик таъкидланади: “*Кимки ерни ҳайдаса, суғорса ер уни боқади”, “Қиз яхши эрни орзу қилганидек, ер ҳам яхши қўшчига илҳақ”, “Омоч тегмаган замин инсонга мева бермайди”, “Ёш келин эрига гўдак ҳадя этганидек, ер ҳам пешона тери ва қўл меҳнати билан уни парвариш қилган одамларга мўл-кўл ҳосил беради”, “Кимки ерга ғалла-буғдой экса, у ҳақиқатни эккан бўлади, эзгуликка йўл очади”, “Меҳнат қилмасдан нон ейиш текинхўрлик, эшикма-эшик юриб тиланчилик қилишдир*” (G‘ogurof Z., 2007:57-74). “Авесто”даги ерни, табиатни эъзозлаш, яхшилик қилиш, таълим тарбия тўғрисидаги илгари сурилган илмий ғоялар кўплаб мақол, матал ва ҳикматли сўзларимизга кўчган: “*Эр киши ерни сотмайди”, Ерни боқсанг, ер сени боқади”, Бирни кессанг ўнни эк”, Ер - дон, деҳқон – хазинабон”, “Ер тўйдирар, ўт куйдирар”, “Ер олган – кўкаради, ер сотган – қурийди”, “Ер-сув-битмас кон”, “Сувсиз ер -жонсиз жасад”*.

Маълумки, исломни Шарқ, хусусан, ўзбек адабиётига таъсири жуда катта. Масалан, Қурьоний мавзулар, хадислар асосида туҳфа асарлар яратилган. Улардаги иборалар ўзбек тилига сингиб, ўзига хос курьоний иборалар сифатида кўпгина мақол ва маталларга асос бўлган (Karomatov H., 1993:6).

VIII асрда Мовароуннаҳрда ислом дини тарқала бошлагач, бу ҳудудларда араб тили ижтимоий-маданий ҳаётнинг барча соҳаларини эгаллади. Бу

даврда юртимизда Имом Бухорий, Ибн Сино, Беруний, Хоразмий каби кўплаб олимлар етишиб чиқдилар. Бу аждодларимиз ўз асарларини ўша даврнинг расмий тили бўлмиш араб тилида битдилар. Бу пайтда диний ва дунёвий фанларга бўлган қизиқиш янада ортди.

Илк ўрта аср маданиятида илм IX асрга келиб икки кўринишга: 1) ўз ичига араб тили услуби, асослари, Қуръон тили, ислом нормаларини қамраб олган гуманитар билимлар – "улум ал-ислом" ҳамда 2) математика, табиий илмлар, мантиқ, метафизика ва бошқалардан иборат "улум ал-ақлиййа", яъни "рационал илм"ларга бўлинган эди. Биринчи гуруҳ диний билимлар ва ақидалар тизимини мустаҳкамлаш, қонунлаштириш ва ишлаб чиқиш, иккинчиси эса, моддий борлиқ – табиатнинг моҳиятини ўрганишга қаратилган эди. Бир илм таркибида маълум йўналишдаги билимларнинг жамланиши, кейинчалик унинг асосида янги йўналиш, янги илм соҳасини вужудга келтирди. Ана шундай соҳаларнинг бири ҳадис илмидир (Bahodirov R., 1998:44).

Ҳадис арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида "ҳикоя", "хабар", "билдириш", "гап", "нақл этиш", деган маъноларни англатади. Ҳадис Муҳаммад Пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, иқрорлари тўғрисидаги ривоятдир (Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2002:686).

Ҳадислар ислом динига эътиқод қилувчиларнинг тафаккур ва тасаввурлари, ҳамда хулқ-атворларининг шакланишига асос бўлган. Аксарият олимлар мақоллар халқ тафаккурини инъикоси бўлиб, улар ўзида бир маданиятга бирлашган жамият урф-одатлари, анъаналари, менталитетининг ўзига хослиги, тарихи, географик ҳолати ҳамда ҳаёт тарзини яққол кўрсатади, деган фикрни илгари сурганлар. Шундай экан, ҳадислар ва ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони карим ўзбек халқ мақоллари, маталлари ва афоризмларини шаклланишига маълум даражада таъсир ўтказган, ҳамда ҳозирда кўпгина ҳадисларда илгари сурилган фикрлар, ғоялар ўзбек халқ мақоллари ва маталларида ўз ифодасини топган. Масалан, ҳадисда "Иқтисод қилган киши хор бўлмас" дейилади. Ўзбек халқ мақолларида эса шунга монанд қилиб қуйидагилар келтирилади: "*Тежаб еган оч қолмас", "Тежаган дар қолмас", "Тежаган терга тушмас".*

Яна бир ҳадисда: *"Кенгашиб ишлаган киши ўкинмас",* – дейилади. Мақолларда эса *"Кенгашиб кесилган бармоқ оғримас", "Кенгашли иш бузилмас, яхши эшилган ип узилмас", "Кенгашли тадбир силлиқлашар, кенгашсиз тадбир хунуклашар", "Кенгашли ишнинг ками бўлмас*", дейилади.

Бошқа бир ҳадисда: "*Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир",* – деб айтилади. Халқда шундан келиб чиқиб*: "Ёшликда билгани – тошга ёзгани, қариликда билгани – музга ёзгани*", – мақоли пайдо бўлган.

"Қарияни ҳурмат қилган бахтли бўлар" ҳадисига мувофиқ, "*Қарияни сийла ўзинг ҳам қартасан*" каби мазмундаги мақоллар нақлдан нақлга ўтиб келган.

Пайғамбаримизнинг қуйидаги гаплари ҳам йиллар ўтиб мақолга айланган: **Ҳадис**: "*Ўзига раво кўрганини ўз биродарига раво кўрмагунча ҳеч ким чин мўмин бўла олмас".* **Мақол: "***Ўзига раво кўрмаганни ўзгага раво кўрма", "Ўзинга яхшилик тиласанг, ўзгага ёмонлик тилама".*

Олтин қоида деб аталувчи ушбу мақол дунёнинг кўплаб миллатларида жумладан, инглиз тилида ("*Don›t wish others that you don›t like to be done to you")* ва турли динларда мавжуд. Масалан, Библияда (Matthew 7:12 *"Therefore all things whatsoever ye would that men should do to you, do ye even so to them"* (Luke 6:31), *"And as ye would that men should do to you, do ye also to them likewise*"), Конфуций аналектларида ("*Do not do to others what you would not like yourself. Then there will be no resentment against you, either in the family or in the state"*), буддизмда ("*Hurt not others in ways that you yourself would find hurtful"*), хиндуизмда ("*One should never do that to another which one regards as injurious to one's own self"*) ва ҳкз.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, ҳадислар фақатгина диний манба бўлибгина қолмасдан, айни пайтнинг ўзида умуминсоний қадриятга айланган юксак аҳлоқий фазилатлар мажмуаси ҳамдир. Ҳадисларнинг баъзи бирлари тилшуносликда мавжуд бўлган афоризм тушунчасига тўғри келади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида афоризмларга қўйидагича таъриф берилган: "Афоризмлар – тугал фикрни англатувчи, ўткир мазмунли қисқа ва лўнда ибора, байт, жумла. Халқ мақолларидан фарқли равишда афоризмлар келиб чиқиши жиҳатидан маълум бир шахсга мансуб бўлиб, индивидуаллигини сақлаб қолади. Афоризмлар ҳикматли сўзлар, деб ҳам юритилади. Афоризмларни кўп қисми панд-насиҳат, ўгит, танбеҳ шаклларида бўлади. Баъзи афоризмлар шаклан қуйма ҳолга келиб, оммавий қўлланишга ўтгач, мақолга айланиб қолади" (Ўзбекистон миллий энциклопедияси., 2005:330). Бунда бадиий адабиёт ва оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта, чунки улар жамиятдаги ҳар бир хонадонга кириб, инсонлар онгига тўғридан тўғри таъсир кўрсата олади. Шу билан бирга, улар ҳикматли сўз ва

ибораларни халқ орасида оммалашиш жараёнини тезлаштириб беради.

Демак, ҳадисларнинг баъзи бир намуналарини афоризмлар сирасига киритиш мумкин. Масалан: "*Бешикдан то қабргача илм изла", "Ёшликдаги олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир", "Ғазаби келганда ўзини босиб олган одам кучлидир", "Имоннинг афзали – сабр ва кенг қалбли бўлишдир", "Бировни курашиб йиқитган полвон эрмас, балки ғазабланган вақтида жаҳлини ютган одам полвондир"* кабилар. Бунга ўхшаш мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бундан ташқари, ҳадисларда мақолсимон ибораларга ҳам дуч келиш мумкин. Масалан: *"Қоқинмай ҳалим бўлмас, тажриба орттирмай доно бўлмас"* [Islomov Z., 2007:34]*, "Мўмин битта ичаги тўлгунча, мунофиқ эса етти ичаги тўлгунча ер", "Қазони дуо қайтаради, яхшилик қилиш умрни узайтиради*" [206].

Маълумки, ислом таълимотига кўра, оилада отанинг алоҳида ўринга эгалиги таъкидланади. Унинг мақоми ва даражаси улуғдир. "Ота" сўзидан улуғлик, виқор, ҳайбат, эҳтиром ва шафқат тушунилади. Шу ўринда, Муҳаммад Пайғамбарнинг "*Аллоҳнинг ризоси отанинг ризосида*" деган ҳадисини келтириш мумкин. Зеро, ушбу ҳадис кўпгина мақол ва ҳикматли сўзларда ўз аксини топган. Масалан: "*Ота рози – худо рози", "Отангни кўрсанг отдан туш", "Ота олдидан ўтма, одоб олдидан кетма", "Ота олдида кек урма, одобинга чек урма*" кабилардир. Аслида ота ва онага ҳурмат Қуръони каримнинг ўзида "Анкабут" сураси, 8-оят, "Исро" сураси, 23-оят, "Бақара" сураси, 83-оят ва бошқа жойларда ҳам кўп маротаба такрорланади.

Салом ва саломга алик олиш кўпгина мақолларда учрайди. Хусусан, *"Салом ҳам – фарз, алик ҳам – фарз", "Салом – каттадан,* ***алиф нуқтадан***" каби мисолларни келтириш мумкин. Мусулмонларнинг муқаддас китоби – Қуръони каримда юқоридаги мақоллар юзага келишидан анча олдин салом бериш одоби ва унга алик олиш ҳақида қимматли мулоҳазалар баён этилган: "*Қачон сизларга биров саломлашиш (ибораси) билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олингиз ёки ўша (ибора) ни қайтарингиз*" (Mansur A., 2007: 91).

Ҳозирги кунда бир пайтнинг ўзида бир нечта тилда ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бир-бирига мос тушадиган мақол ва маталлар мавжуд. Масалан: "(An) eye for (an) eye, (a) tooth for (a) tooth" мақоли рус тилидаги "Око за око, зуб за зуб" мақолига ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан мос тушади. Ушбу мақол библиядаги матндан олинган (Kunin A., 1972:85). Ўзбек тилида эса, "Қонга қон, жонга жон" мақоли юқоридаги мақолнинг мазмунини беради. Қуръонда ҳам шунга яқин бўлган мазмун ўз аксини топган: "Сизлар учун қасосда ҳаёт бор"[1]. Шунингдек, Муҳаммад Пайғамбарнинг *"Мол дунёси кўп одам бадавлат эмас, балки нафси тўқ одам бадавлатдир", "Ўнг қўлинг қилганини чап қўлинг билмасин*" ҳадислари инглиз тилида мақол сифатида қўлланилишини кузатишимиз мумкин: "*He is not poor that has little but that desire much", One's left hand doesn't know what one's right hand is doing"*.

Буни қуйдагича изоҳлаш мумкин:

– тафаккури, ҳаётий ходисалардаги ўхшашликлар борлиги учун маълум бир халққа тегишли мақол бошқа тил вакиллари тарафидан ўзлаштирилган;

– маданиятлар алмашинувини содир бўлиши. Масалан, Буюк ипак йўли бунга ёрқин мисол бўла олади. Милоднинг бошларида ғарбда Британ оролларидан шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган ерларда ҳукмронлик қилган дунёнинг 4 та илғор маданиятли давлатлари ҳисобланган Рим, Парфия, Хитой ва Кушон салтанатлари "Буюк ипак йўли" деб номланувчи йўл билан боғландилар. Бу йўл ғарб ва шарқни боғлаб турувчи ягона кўприк вазифасини ўтаган. Бу йўл нафақат махсулотлар алмашинуви, балки ғоялар, фикрлар ва маданиятлар алмашинуви учун ҳам хизмат қилган [108; 95-б].

Ўзбекистон ҳудуди бу йўлнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, ҳунармандлар, олимлар ва меъморлар ташриф буюрганлар. Улар махаллий аҳоли билан мулоқотга киришиб, ўзаро ахборот алмашишган. Бу жараёнда турли хил мақоллар, хикматли сўзлар ўзлаштирилган. Сўнгра улар кундалик мулоқотда қўлланавергач, халқ орасида оммалашган ва ниҳоят мақолни ўзлаштирган халқ ўзини яшаш турмушидан келиб чиққан ҳолда мақолдаги баъзи сўзларни ўзгартирган. Бунинг натижасида мақолнинг эквивалетлари яратилган. Масалан, ўзбек халқи "*Қарға-қарғани кўзини чўқимайди"мақоли билан бир қаторда "Ит итни қуйруғини босмас", "Ит итнинг этини емайди" каби эквивалентларидан ҳам унумли фойдаланишади.*

Ўзбек халқи қадимдан асосан чорвачилик, овчилик, дехқончилик билан шуғулланишган. Ит уларга хонадонларини қўриқлашда, ов қилишда кўмаклашган ва яхши ҳамроҳ бўлган. Шундан келиб чиққан холда, ўзбек халқи мақолдаги қарға тимсолини ит тимсоли билан ўзгартирган.

[1] Бақара сураси, 179-оят. Қаранг: Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – Б. 27.

Инглизларда эса, қарға омад келтирувчи қуш ҳисобланади. Ҳатто Англия қироллигида қарғаларга ғамхурлик қиладиган махсус кишилар бор. Улар қарғаларни учиб кетмаслигини таъминлаш мақсадида, баъзан уларни қанотларини кесиб қўйишади. Уларнинг фикрича шундай қилинса, бахтсизлик қирольликка соя солмайди (Malarcher C., 2010:12). Шунинг учун ҳам инглизлар мақолга ҳеч қандай ўзгартириш киритмай шундайлигича қабул қилишган.

– диний манба ва адабиётларни турли тилларга таржима қилиниши. Бу жараён кўп халқлар учун универсал бўлган мақолларни юзага келтирди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, инсоннинг маънавий ахлоқий фазилатларини шаклланишида катта аҳамиятга эга мақоллар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Улар халқнинг ўткир кузатувчанлиги асосида юзага келган фикрларнинг хулосаси бўлиб, улар йиллар мабайнида халқнинг тажриба синовларидан ўтган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқимизнинг тафаккури-ю, диний қарашларини акс эттирган маданиятнинг бир бўлагидир.

Мусулмон мамлакатларида маънавий тарбиянинг заминида Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, Ғарбда эса, муқаддас битиклар ва ғарб мутафаккирларининг маънавий меъроси ётади. Ушбу манбалар халқ онги, дунёқараши, тасаввури, урф-одат ва анъаналарининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган.

Мақоллар ҳам халқ онгининг ойнадаги аксидир ва бир маданиятга бирлашган у ёки бу жамият анъаналарини, тарихини, ҳаёт тарзини яққол кўрсатиб берувчи воситадир. Шундай экан, мазкур диний манбалар уни ўқувчи, ундан фойдаланиб, унга эътиқод қилувчи халқларнинг мақолларида ўз аксини топган бўлиб, уларнинг яратилишида ҳам асос вазифасини ўтаган.

FOYDALANILGAN MANBA VA ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Allworth, E.A. *The modern Uzbeks: From the fourteenth century to the present:* Hoover Press Publication 373, 1990.- B. 424.
2. Fox, A. Oral and Literature culture in England. -Oxford: Oxford University press, 2002.- B.113.
3. Gyula Paczolay. European proverbs. -Hungary.: Veszpremi Nyomda RT, 1997.- B. 536.
4. Harun Yahya. *The importance of patience in the Koran*. New Dehli: ©Goodword Books, 2003.- B. 95.
5. Malarcher C. Reading challenge. -USA, Compass Publishing, 2010.- B.12.
6. Martin, Manser. *The Facts On File Dictionary of Proverbs*. -New York: Facts On File, Inc Facts On File, Inc, 2002.- B. 405,
7. Maxamadxodjaev, Baxrom (2020) "THE RISE OF TRANSLATION SCHOOLS IN CENTRAL ASIA," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 4, Article 10 Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss4/10.- B.81.
8. Mieder, W. *Proverbs: A Handbook.* Westport, Connecticut: Greenwood Press, 2004.- B. 9.
9. Riad, Aziz Kassis. *The book of proverbs Arabic proverbial works*. - Leiden; Boston; Koln; Brill, 1999.- B. 318.
10. Taylor, A. The Proverb. Cambridge, Massachusetts: Harvard University Press, 1931 Rpt. as The Proverb and an "Index to The Proverb". Hatboro, Pennsylvania: Folklore Associates, 1962. Copenhagen: Rosenkilde and Bagger, 1962; rpt. again with an introduction, a bibliography, and a photograph of Archer Taylor by W. Mieder. Bern: Peter Lang, 1985.- B. 4-5.
11. Боҳодиров. Р.М. Имом ал-Бухорий ва ҳадис илми // "Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни" мавзуидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА "Фан" нашриёти, 1998 – Б. 44
12. Бувақов Н. Буюк ипак йўли ва Хитой билан савдода суғдийларнинг ўрни ҳақида//Ўтмишга назар №2, Тошкент, 2020.- Б. 95.
13. Бухорий Муҳаммад ибн Исмоил. Ал-адаб ал-муфрад (одоб, тарбияга оид ҳадислар) / Тузувчилар: З. Исломов, А.Абдуллаев. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. Б. 34.
14. Ғофуров З. Табиатни муҳофаза қилишнинг маънавий ва ҳуқуқий асослари.: Тошкент, 2007. Б. 57-74.
15. Жуков В.П. Семантика фразеологических оборотов. Учебное пособие для студентов пединститутов по специальности «Русский язык и литература» – М.: Просвещение, 1978.- B.160.
16. Жўраева Б.М. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. доктори дисс. автореферати. – Самарқанд, 2019.- Б. 73.
17. Ислом: энциклопедия. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004. Б. 673.
18. Йўлдошев. Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясини шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография.- Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2007. - Б. 31
19. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти.- Тошкент.:"Фан" нашриёти, 1993. – Б. 6.
20. Краткая литературная энциклопедия. 5-том. – М.: Изд. "Советская энциклопедия", 1968.- B. 907.
21. Кунин А.В Фразеология современного анлийского языка.- М.: Международные отношения, 1972.- B. 116-117.
22. Мансур А. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Т.: "Тошкент ислом университети" нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. - Б. 91.

23. Мирзаев Т, Мусокулов А, Саримсоқов Б. Ўзбек халқ мақоллари. -Т.:" Шарқ", 2005.- Б. 512.
24. Оркина, А.Н. Аспектуально-темпоральная характеристика высказываний с семантикой обусловленности в современном русском языке. Автореферат диссертации – СПб., 2000.- В. 120-121.
25. Сиддиков Н. Араб мақоллари. -Тошкент.:" Сано стандарт", 2011.- Б. 71.
26. Ўзбекистон миллий энциклопедияси11-том,. – Т.: "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2005.- Б. 330.
27. Шораҳмедов Д., Аминов М. Маънолар махзани. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2018 – Б. 480.

REFERENCES

1. Allworth, E.A. *The modern Uzbeks: From the fourteenth century to the present:* Hoover Press Publication 373, 1990.- B. 424.
2. Bohodirov. R.M. Imom al-Buxoriy va hadis ilmi // "Imom al-Buxoriy va uning dunyo madaniyatida tutgan o'rni" mavzuidagi xalqaro konferentsiya materiallari. – T.: O'zbekiston Respublikasi FA "Fan" nashriyoti, 1998.- B.44.
3. Buvaqov N. Buyuk ipak yo'li va Xitoy bilan savdoda sug'diylarning o'rni haqida//O'tmishga nazar №2, Toshkent, 2020.- B. 95.
4. Buxoriy Muhammad ibn Ismoil. Al-adab al-mufrad (odob, tarbiyaga oid hadislar) / Tuzuvchilar: Z. Islomov, A.Abdullayev. – T.:"Toshkent islom universiteti" nashriyot-matbaa birlashmasi, 2007.- B. 34.
5. Fox, A. Oral and Literature culture in England.-Oxford: Oxford University press, 2002.- B. 113.
6. G'ofurov Z. Tabiatni muhofaza qilishning ma'naviy va huquqiy asoslari.: Toshkent, 2007.- B. 57-74.
7. Gyula Paczolay. European proverbs. -Hungary.: Veszpremi Nyomda RT, 1997.- B. 536.
8. Harun Yahya. *The importance of patience in the Koran*. New Dehli: ©Goodword Books, 2003.- B. 95.
9. Islom: ensiklopediya. – T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2004.- B. 673.
10. Jo'rayeva B.M. O'zbek xalq maqollari shakllanishining lingvistik asoslari va pragmatik xususiyatlari: Filol. fan. doktori diss. avtoreferati. – Samarqand, 2019.-B. 73
11. Jukov V.P. Semantika frazeologicheskix oborotov. Uchebnoye posobiye dlya studentov pedinstitutov po speTsialnosti «Russkiy yazik i literatura» – M.: Prosvesheniye, 1978.- B. 160.
12. Karomatov H. Quron va o'zbek adabiyoti.- Toshkent.:"Fan" nashriyoti, 1993.- B. 6.
13. Kratkaya literaturnaya ensiklopediya. 5-tom. – M.: Izd. "Sovetskaya ensiklopediya", 1968.- B. 907.
14. Kunin A.V Frazeologiya sovremennogo anliyskogo yazika.- M.: Mejdunarodniye otnosheniya, 1972.- B. 116-117.
15. Malarcher C. Reading challenge. -USA, Compass Publishing, 2010.- B.12.
16. Mansur A. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. – T.: "Toshkent islom universiteti" nashriyot-matbaa birlashmasi, 2007.- B. 91.
17. Martin, Manser. *The Facts On File Dictionary of Proverbs*. -New York: Facts On File, Inc Facts On File, Inc, 2002.- B. 405,
18. Maxamadxodjaev, Baxrom (2020) "THE RISE OF TRANSLATION SCHOOLS IN CENTRAL ASIA," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 4, Article 10 Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss4/10.- B. 81.
19. Mieder, W. *Proverbs: A Handbook.* Westport, Connecticut: Greenwood Press, 2004.- B. 9.
20. Mirzayev, T. O'zbek xalq maqollari. –T: Sharq, 2005.- B. 512.
21. O'zbekiston milliy entsiklopediyasi. 11-jild. – T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2002.- B. 330.
22. Orkina, A.N. Aspektualno-temporalnaya xarakteristika viskazivaniy s semantikoy obuslovlennosti v sovremennom russkom yazike. Avtoreferat dissertatsii – SPb., 2000.- B. 120-121.
23. Riad, Aziz Kassis. *The book of proverbs Arabic proverbial works*. - Leiden; Boston; Koln; Brill, 1999.- B. 318.
24. Shorahmedov D., Aminov M. Ma'nolar maxzani. -T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi", 2018. - B. 480.
25. Siddikov N. Arab maqollari. -Toshkent.:" Sano standart", 2011.- B. 71.
26. Taylor, A. The Proverb. Cambridge, Massachusetts: Harvard University Press, 1931 Rpt. as The Proverb and an "Index to The Proverb". Hatboro, Pennsylvania: Folklore Associates, 1962. Copenhagen: Rosenkilde and Bagger, 1962; rpt. again with an introduction, a bibliography, and a photograph of Archer Taylor by W. Mieder. Bern: Peter Lang, 1985.- B. 4-5.
27. Yo'ldoshev. B. O'zbek frazeologiyasi va frazeografiyasini shakllanishi hamda taraqiyoti. Monografiya.- Samarqand: SamDU nashriyoti, 2007.- B. 31